Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 29 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 30 (7027)

Da'vat

Ақлли жавоб олмоқчи бўлсанг — ақлли савол бер.

Гёте

Ibrat

Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Узбекистон Қаҳрамони Машарип Қувоқовнинг шахсий ташаббуси билан хўжалик маблағи ҳисобидан 27-ўрта мактабга замонавий компьютер комплекти олиб берилди.

● Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган теннис бўйича «Президент кубоги» учун бешинчи халқаро мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлисида ушбу беллашувга юксак даражада тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бир талай масалалар муҳокама этилди.

● Амалдаги йилнинг 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида бошланадиган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси кун тартибига чет эл инвестициялари, чет инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари, гаров, аҳолини иш билан таъминлаш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги каби бир қанча муҳим масалалар киритилган.

● «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ҳисобот-сайлов конференциясида жамғарма республика бошқарувининг раҳбар органлари сайланиб, ушбу жамғарма бошқаруви раиси бўлиб ишлаб келган Ш.Темиров ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилди ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Ш. Жалилов республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси этиб сайланди.

● Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарлари ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилиш жараёнини тугаллаган Буюк Британия мазкур битимни имзолаган Австрия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Финляндия ва Швеция мамлакатлари сафига саккизинчи бўлиб қўшилди.

● Россия парламенти депутатларининг 251 нафари мамлакат Президенти Б.Ельцин томонидан бош вазир лавозимига илгари сурилган Сергей Кириенко номзодини ёқлаб, 25 таси эса унга карши овоз беришди.

● Стокгольмда Швеция, Финляндия ва Россия вакиллари иштирокида бўлиб ўтган Европа ва Шимолий минтақалар хавфсизлигига бағишланган анжуманда Швеция ва Финляндия давлатлари Болтиқбўйи мамлакатларида сўнгги пайтда авж олаётган террорчиликка барҳам беришда ҳамкорлик қилишга келишиб олишди.

● Грузиядаги ядро қуролларини олиб чиқиб кетиш бўйича АҚШ ҳукумати томонидан бошланган махфий операция жараёнида олиб чиқиб кетиладиган ядро қуроллари Буюк Британияда қайта ишланиб, зарарсизлантирилар экан.

Maktabgacha ta'lim

ОЙИЖОН, МЕН МАКТАБГА БОРАМАН!

Бундай хушхабарни эшитиб, кўнглингиз тоғдек кўтарилди. Шу билан бирга сизнинг ҳамда дилбандингизнинг ҳаёти қатор вазифа-ю бажарилиши лозим бўлган тадбирларга тўлди. Тўғри, фарзандингизни мактабга тайёрлайман деб кийим-кечак, ўқув қуроллари ҳамда дарсликлар олиб берасиз. Дарвоқе, бу ўринда юртбошимизнинг фармонига биноан 1-синф ўқувчиларига барча зарур ўқув қуроллари, дарсликлар ҳам совға тариқасида берилишини эслатиб ўтиш жоиздир. Бу мустақил давлатимизнинг оилаларга, келажак авлодимизга бўлган оталарча ғамхўрлигидан далолат, ижтимоий ҳимоясидир.

Болангиз мактабга бориб янгиликларни кашф этиш, катталардек папка кўтариб юриш, мустақил келиб-кетишни орзу қилаётир. Унинг учун мактаб ўзгача олам, янги дўстлар, янги нарсалар, янгича муносабатлар. Айнан шу вақтда болажонлар ўз табиати билан янгиликка ташна бўладилар. Демак, болангиз мактабга тайёр, деб айта оламиз. Ҳа, мактабга тайёр, бироқ мактабдаги таълимга-чи?!

Узбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими Бош

(Давоми 3-бетда)

Hay'at yig'ilishi

ИККИ МУҲИМ МАСАЛА

Бугунги энг долзарб мавзу нима, деб сўрасангиз, жавоб берувчи, аввало, юрт равнақи учун зарур бўлган омилларни санайди. Келажакни савияси баланд кадрлар яратади. Бунинг учун эса ватанимизда тинчлик, осойишталикни асраб-авайлашимиз керак. Бу икки ишнинг асосий иштирокчилари ёшлардир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги ҳайъат йиғилишида юқорида саналган икки мавзу таҳлилга тортилди.

Биринчи масала Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Президент И. А. Каримовнинг Республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тадбирларининг Андижон вилоятида бажарилиши тўғрисида бўлиб, бу ҳақда ХТВ ўрта умумтаълим мактаблар бош бошқармаси бошлиғи Г. Яҳёева ахбороти тингланди. Унда Андижон халқ таълими тизимида турли тадбирлар ўтказишда бошқаларга намуна бўлса-да, лекин пировард натижа кутилгандан паст бўлаётганлиги таъкидланди. Балиқчи, Избоскан туманлари ва Қорасув шаҳридаги халқ таълими ходимларининг учдан бир қисми икки янги қонун моҳияти, уларнинг мазмуни ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслиги тест орқали аниқланган. Шу каби камчиликлар таъкидланиб, зарур хулосалар чиқарилди, тегишли қарор қабул қилинди.

Иккинчи масала Сирдарё вилояти ўқув муассасаларида Ўзбекистон Республикаси ёшларини чақириққача тайёрлаш дастурларининг бажарилиш аҳволи ҳамда ўқувчиларнинг билим даражаси тўғрисида бўлиб, унда вилоят халқ таълими тизимида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилишига бағишланди.

Ўсмирларимизга бошланғич ҳарбий таълимда берилиши лозим бўлган билимлар ўргатиляптими? Самарадорлик қай даражада? Яхши тадбирларни ривожлантириш, камчиликларни тугатиш учун нималар қилиш лозим? Буни вазирлик иккинчи бўлим бошлиғи Т. Муҳиддинов батафсил таҳлил қилди.

Мазкур масала юзасидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Қарордаги ҳарбий касбларга ёшларни қизиқтиришнинг барча шакл ва усулларидан фойдаланиб, ҳарбий олий ўқув юртларига кирувчиларни юқори савияда тайёрлашга эътиборни кучайтириш, ҳарбий касбларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилишни йўлга қўйиш, бунинг учун ҳарбий ўқув юртларининг курсантлари, бурчини ўтаётган сержант ва аскарлар билан учрашувлар ўтказиш, ҳарбий қисм ва билим юртларига олиб бориш барча вилоятлар ХТБ ларига топширилди.

Шу йилнинг тўртинчи чорагида Фарғона вилоятида «Ўзбекистн Республикасида чақириққача ёшларни тайёрлаш, уларни Ватанга муҳаббат ҳамда инсонпарварлик руҳида тарбиялаш» мавзуида илмий-методик анжуман ўтказиладиган бўлди.

Ҳайъат мажлисини ҳайъат раиси, Ўзбекистон Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олиб борди.

Jarayon

ТАКОМИЛЛИК САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

Республика Олий Мажлиси IX сессиясида Президент Ислом Каримов педагогик кадрлар малакасини ошириш борасида куюнчаклик билан шундай деган эдилар: «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалаларга дуч келмоқдамиз.

Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришда асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак».

Дарҳақиқат, Президентимизнинг жон куйдиришича бор. Негаки, аввало, муаллим, тарбиячининг ўзи малакали билимга, юксак тажрибага эга бўлмай туриб, ўқувчи ёхуд талабага билим бермоғи маҳол. Хўш, ана шу ўқитувчи малакасини ошириш тизими замон талабларига мосландими? Умуман, мазкур тизимнинг мавжуд аҳволи чуқур ўрганилиб, таҳлил қилиниб, янги йўналишлар аниқланганми? Қандай қилинса педагог ходимлар мунтазам равишда тез, қисқа фурсатларда самарали билим олишларига эришиш мумкин? Қандай қилиб малака ошириш курсларига келган халқ таълими ходимларини анъанавий тус олган тингловчиликдан изланувчига, яъни мустақил равишда янги билимлар олиш, малака ҳосил қилиш ва ўз устида тинимсиз меҳнат қилишларини таъминлаш мумкин. Бу каби оғриқли саволлар халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтлари раҳбар ва ўқитувчи ходимлари зиммасидадир.

Шу боисдан 1997 йил декабрь ойида А.Авлоний номидаги ХТХМОМИда бўлиб ўтган «Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш — янги босқичда» мавзуидаги I Республика илмий-амалий конференцияси тизимдаги мавжуд ҳолатни аниқлаш, уни тубдан ислоҳ қилиш заруратини ўрганиш йўлидаги илк қадам бўлганди.

Куни кеча Бухорода бўлиб ўтган «Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва технологиясини такомиллаштириш муаммолари» мавзуидаги II Республика илмий-амалий конференцияси аввалгисининг мантиқий давоми, десак хато қилмаймиз. Унда малака ошириш тизими технологиясини такомиллаштириш муаммоларини аниқлаш, уларнинг ечимига доир аниқ таклиф ва мулоҳазалар, зарур тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш каби қатор масалалар борасида фикрлашиб олинди. Зеро, ана шу масалаларни ҳал этмай туриб, малака ошириш тизимида янгилик яратиш, уни такомиллаштириш ҳақида сўз юритиш ҳам мумкин эмас.

Конференциянинг мақсади, қолаверса, малака ошириш тизимини такомиллаш-

(Давоми 3-бетда)

Самарқанд шаҳрида яқинда Марказий Осиё ва Монголия давлатларида таълимни молиялаштириш мавзусида «Халқаро учрашув» бўлиб ўтди. Анжуманда ушбу давлатлардан ташқари, ЮНЕСКОдан вакиллар ҳамда Голландия давлатидан кузатувчилар қатнашдилар.

Унинг очилишига бағишлаб шаҳардаги «Афросиёб» меҳмонхонасида бўлиб ўтган маросимни шаҳар ҳокими А. Носиров очди. Шундан сўнг сўзга чиққан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Бари Лейн, ЮНЕСКО халқаро таълимни ривожланти-

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

риш институти вакили Пеано Серж, Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазири ўринбосари М. Султонов, Голландия ташқи ишлар вазирлиги бўлим мудири Вим Зоит ушбу халқаро учрашув ишига муваффақият тилаб, унинг аҳамияти тўғрисида сўз юритишди.

Анжуман қатнашчилари ўз давлатларида таълимни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, томонлар таълимни молиялаштириш борасида қилиниши зарур бўлган долзарб масалаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Э. МАҲМУДОВ

Munozara uchun

СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР...

Топиб айтилган сўзнинг таъсири ўзгача бўлади. Яхши сўз билан бемор оёққа туриши ҳам, ёмон сўз билан соғлом одам дардга чалиниб қолиши ҳам мумкин. Шу боисдан нутқ, нотиқлик маҳорати ҳамиша юксак қадрланган. Ўтмишда нотиқлик худо берган улуғ санъатлардан ҳисобланиб, аждоддан авлодга такомиллашиб борган. Навоий «Мажолисун нафоис» асарида туркийларда нутқнинг ўн турини таъкидлаб ўтган эди. Булардан бир тури «Ўтган кунлар» романида кўрсатилган: Кумуш, Отабек ва Зайнаб учови сўзлашиб ўтирар эканлар, Кумуш бўлиб ўтган воқеалар тафсилотини одамлар ва жой номларини ўзгартириб, Отабекка баён қиладики, Зайнаб ҳеч нарсани тушунмай қолаверади...

Ҳозирда нотиқ қўпайиб кетди. Телевизордаги дикторлардан тортиб саҳнадаги қизиқчилар, тўй-ҳашамлардаги «раис»лар, муллалар, уларнинг магнитофон тасмасидаги нутқлари, катта-кичик раҳбарларнинг, мактаб ва институт домлаларининг маърузалари... Уларнинг ҳар бири ўзига яраша сўзлаш услубига эга.

Фикр ва туйғуларни ифодалаш, илмий тилда айтганда, ахборот узатишда нутқ ғўзаллиги жиддий эътибор талаб этадиган масала. Биз қўйида бу кенг қамровли масаланинг бир жиҳати — ҳар куни қўлланиб келинаётган, бир қарашда тўғридай кўринадиган, аммо она тилимиз табиатига, лисоний анъаналаримизга ёт бўлган икки-уч ифода шакли хусусида сўз юритмоқчимиз.

«КАТТА РАҲМАТ» НИМА ДЕГАНИ?

Хушмуомалалик урф бўлган бизнинг замонда зиғирча яхшилик учун одатда ботмондай миннатдорчилик билдирилади. Айтайлик, сиздан нотаниш одам соат нечалигини сўради, сиз айтдингиз ё автобусда бировнинг йўлкирасини узатишиб юбордингиз ёки танишингизни кўча-кўйда кўриб қолиб, сўраштдингиз. Албатта бундай ҳолларда камида бир марта «катта раҳмат» деган олқишни эшитасиз. Шунчаки «рақмат»нинг ўзи кифоя-ю, албатта, «катта»си ҳам бўлиши керакдай, йўқса миннатдорчилик қуруқроқ чиқиб қолади, шекилли.

Аксар самимий айтилган шу икки сўз, назаримизда, камида икки жиҳатдан ноўрин. Аввало, «раҳмат» тирик одамга эмас, балки аввало дунёдан ўтиб кетган одамларга тиланадиган тилак («раҳматли», «марҳум» деган сўзларнинг ўзагига, «Оллоҳ раҳматига олган бўлсин» деган дуонинг мазмунига эътибор беринг). «Раҳмат» су-

(Давоми 3-бетда)

Dars-konferensiya

ФАОЛ ЎҚУВЧИ — МУСТАҚИЛ ШАХС

Ҳар бир ўқитувчи ўқувчилар билан самарали ишлашнинг мақбул тизимини, янгича педагогик технологияни таълим жараёнига муваффақиятли қўллаши учун тинмай изланиб, муаллимлик маҳорати ва иқтидорини ошириб, ўқитишнинг турли услубларини қўлламоғи лозим бўлади. Шу асосда биз, дарс жараёнини инсонпарварлаштириш, табақалаштириб ўқитиш ва бошқа ноанъанавий усулларнинг ўндан ортиқ туридан фойдаланиб келяпмиз. Жумладан, физика фани асосларини ўқитишда, дарс-конференция усулида ўқувчиларга дарс ўтиш мазмунини қуйида келтириб ўтамиз. Қолаверса, физика фани бўйича республикада самарадорлик энг паст даражада. Унда ноанъанавий дарсларни ҳам қўлласак натижаси ёмон бўлмайди.

Мазкур дарснинг мақсади ўқувчи тафаккурини ривожлантиришга қаратилгани, қолаверса, унинг ўзи дарс жараёнида иштирок этиши ўқитишнинг анаъанавийлик ва ноанъанавийлик шаклларини уйғунлаштиради.

Дарс ишланмаси IX синфда «Механик тебранишлар ва тўлқинлар» боби учун тайёрланган. Ушбу дарсга режа бўйича боб материалини ўтиб бўлгач вақт ажратилади. Ўқувчиларга кичик маъруза билан тайёргарлик кўриш учун 2 ҳафта олдин материаллар ва адабиётлар бериб қўйилади. Тайёргарлик босқичи билан боб материалини ўрганиш параллел давом этади. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга исталган вақтда жавоб оладилар. Дарсга ҳамма ўқувчилар тайёргарлик кўриб борадилар, чунки маърузачи ўқувчилар билан бемалол баҳс юрита оладиган бўлишлари лозимлиги тушунтирилади.

Дарснинг мақсадлари қуйидагиларни ўз ичига олади: а) таълимий мақсади: ўқувчиларнинг «Механик тебранишлар ва тўлқинлар» боби материаллари бўйича билимларини системалаштиришни ва чуқурлаштиришни амалга ошириш; б) тарбиявий мақсади: топшириқларни бажаришда ўқувчилар орасида жамоа бўлиб, ҳамкорликда ва ўзаро ёрдамлашиш кўникмалари аҳволи қандайлигини амалда кўриш; в) ривожлантирувчи мақсади: маъруза билан чиқиш қилишда тайёргарлик босқичида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши ривожи, китоб билан ишлаш кўникмаси, ижодий ишлаётганда адабиётлардан фойдаланиш малакаси ва тажрибалар намойиш қилишдаги амалий савиясини билиш.

(Давоми 2-бетда)

СИРТҚИ ТЕЛЕВИЗИОН ОЛИМПИАДА

2-БЕТ

ДИҚҚАТ, БЕВОСИТА МУЛОҚОТ!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўрта умумтаълим бош бошқармаси шу йилнинг 1 май куни 1997—98 ўқув йили якунига барча турдаги умумтаълим муассасаларида имтиҳонларни ташкил этиш ва якуний аттестация ўтказиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган «ОЧИҚ МУЛОҚОТ» ўтказади.

Ҳурматли ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар! Сиз ушбу масалалар юзасидан бўладиган барча саволларингизга соат 12 дан 15 гача 139-43-28, 139-19-70, 139-13-41, 139-40-90, 139-19-59 телефон рақамларига қўнғироқ қилиб, бошқарма ходимлари томонидан батафсил жавоб олишларингиз мумкин.

ВАТАН ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

2-БЕТ

МИМ

ХАБАРЛАРИ

ALPOMISH AVLODLARI

Shahrisabz tumanidagi Sobir Abdulla nomli 78-tayanch maktabida «Alpomish» dostonining 1000 yilligiga bag'ishlangan kecha o'tkazildi. Unda yigitlarni Alpomishdek jasoratga, qizlarni Barchinoydek sadoqatga undovchi bu dostonning ma'naviyatimizdagi o'rni xususida gap bordi. Xalqimizning er yigit mardligini tarannum etuvchi bu dostonni asrlar osha saqlab kelayotganligi ham bejiz emas.

Ahad MUQIMOV

ULARDAN KO'NGIL TO'LDI

Respublika o'quvchilar texnik ijodiyoti markazi yaqinda poytaxtimizning «Kinochilar uyi»da 6-Yosh kino-foto havaskorlar respublika anjumanini o'tkazdi. Maqsad bo'lg'usi kinooperatorlar, fotograflar, fotorassomlar ijodlari bilan tanishish edi. Yoshlarning intilishlari chakki emas ekan. Ular turli yo'nalishdagi keng qamrovli ishlari bilan umidlarni oqladi.

G'oliblar xalq ta'limi vazirligining Faxriy yorliqlari, homiylar tomonidan tayyorlangan diplom va mukofotlar bilan taqdirlanishdi.

L.TO'XTAYEVA

ADIB BILAN UCHRASHUV

Navoiy davlat pedagogika institutida O'zbekiston xalq yozuvchisi, sevimli adib O'tkir Hoshimov va adabiyotshunos olim Shuhrat Rizaev bilan uchrashuv bo'lib o'tdi.

Institut rektori, professor Ravshan Rahimov kechani ochar ekan mazkur ilm dargohiga tashrif buyurgan mehmonlarga minnatdorchilik izhor etdi.

Qiziqarli muloqot chog'ida O'. Hoshimov talabalarni qiziqtirgan savollarga javob berdi.

Ushbu uchrashuv talabalar qalbida iliq taassyrot qoldirdi.

Zarif QUVONOV

TANLOV G'OLIBI — GULBAHOR

Nukus shahar XTBga qarashli maktab o'qituvchilarining «Yil o'qituvchisi — 98" ko'rik-tanlovi bo'lib o'tdi. Unda bilimdon va zukko o'qituvchilar o'z mahoratlarini va omadlarini sinab ko'rishdi. Omad esa 7-maktabning matematika fani o'qituvchisi Gulbahor Nazarbekovaga kulib boqdi.

G'oyib YOQUBOV

ХАБАРЛАРИ

ДИҚҚАТ! СИРТҚИ ТЕЛЕВИЗИОН МУСОБАҚА

Маълумки, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпанияси ҳамкорликда «Ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчилари, ҳунар ва педагогика билим юртлари талабаларининг физика, математика ва иқтисод фанларидан сиртқи телевизион мусобақасини ўтказмоқда». Бу ҳақда газетамизнинг 1998 йил 14 март сонида хабар берилиб; унда мазкур фанлардан I тур топшириқлари эълон қилинган эди. Шундан сўнг Республика вилоятларининг жуда кўп ўқувчиларидан минглаб хатлар олинди. Ҳакамлар ҳайъати жавобларни текшириб баҳоладилар ва I тур ғолибларини аниқладилар. Хатларнинг кўп қисми (45%) математика фанига тўғри келди. Ўқувчиларнинг мазкур фанга булган қизиқишлари янада ортганлигини кўрсатди. Физика фанига келган хатлар 30% дан кўпроқ ва қолгани иқтисод фанига тегишли бўлди. Агар иқтисодий билим асослари фани умумтаълим мактабларига яқинда жорий қилинганлигини ҳисобга олинса, ўқувчиларнинг берган жавоблари бизларни жуда қувонтирди. Вилоятлар бўйича энг кўп жавоблар Бухоро, Хоразм ва Андижон вилоятлари, Тошкент шаҳридан келди. Демак, бу жойларда ўқитувчилар бу фанларга бўлган ўқувчиларнинг қизиқишларини орттира олишга кўпроқ муваффақ бўлишган. Тавсия қилинган масалаларнинг ечимига қараганда 8-синфларда 3 масалани кам сондаги ўқувчилар еча олган бўлса, 5 масалани энг кўп ўқувчи ишлаган. Физикадан 9-синфда 5 масалани кам сондаги ўқувчи еча олган бўлса, 2 масалани кўп ўқувчи еча олган ва ҳ.к.

Барча фанлар бўйича I тур ғолиблари сифатида берилган топшириқнинг 50% дан кўпроқ қисмига тўла ва тўғри жавоб берган ўқувчилар танлаб олинди. Бундай ўқувчиларнинг сони кўп бўлганлигидан уларнинг рўйхатини газета саҳифасида келтира олмаймиз. Шу сабабли барча ўқувчиларимизни II турда қатнашишга таклиф қиламиз. II тур ғолиби бўлиб ҳисобланиш учун ўқувчининг берган жавоби 75% дан кўп бўлиши керак. Бир синфда ўқийдиган ўқувчиларнинг жавоблари айнан бир хил бўлса бундай жавоблар ҳам қаралмайди. Чунки улар орасидан ҳақиқий ғолибни аниқлаш қийин. II тур ғолиблари аниқланганидан сўнг уларни вилоят халқ таълими бошқармалари орқали Тошкент шаҳрига, телевиденияга таклиф қилинадилар. Топшириқларни баён қилиш ва хатларга солиб жўнатиш тартиби газетанинг I тур топшириқлари эълон қилинган сонида берилган. Жавобларни қуйидаги манзилга юборишларингизни сўраймиз. 700011, Навоий кучаси, 69-уй, ЎзТВнинг Маърифат таҳририяти

«Сиртқи телевизион мусобақа» кўрсатувига.

Қуйида мусобақа шартларини келтирамиз.

II ТУР
8-СИНФ
МАТЕМАТИКА

1. Шундай 10 натурал сонни топиш мумкинми, улардан ҳар бири қолганларининг бирортасига бўлинмайди, аммо ҳар бирининг квадрати қолганларига бўлинади?

2. 219+1 ва 292 - 1 сонларнинг энг катта умумий бўлувчисини топинг.

3. ABCD квадратда P ва Q нуқталар мос равишда BC ва CD томонларга тегишли. Агар AQ кесма PAD бурчакнинг биссектрисаси бўлса, у ҳолда AP кесмани узунлиги DQ ва BP кесмалар узунликлари йиғиндисига тенглигини исботланг.

4. $x^2+y^2-z^2=1997$ тенглама бутун, x, y, z ларда чексиз кўп ечимга эга эканлигини исботланг.

5. Барон Мюнхаузеннинг айтишича, у қандайдир тенг ёнли учбурчакни учта учбурчакка шундай ажратибдики, уларнинг ихтиёрий иккитасидан тенг ёнли учбурчак ҳосил қилиш мумкин экан. Унинг гапига ишонса бўладими?

9-СИНФ
МАТЕМАТИКА

1. Агар $x^5-x^4+6x^2+nx-5$ кўпҳад x^2-1 га қолдиқсиз бўлинса, n топилсин.

2. 7^{1998} ни 43 га бўлгандаги қолдиқ топилсин.

3. Али ўртоғи билан ишнинг 20% ни бажарди. Узи ёлғиз 4 кун ишлаб қолган қисмининг 25% ни бажарди. Али барча ишни неча кунда бажаради?

4. ABCD квадратда P ва Q нуқталар мос равишда BC ва CD томонлармага тегишли. Агар AQ кесма PAD бурчак биссектрисаси бўлса, у ҳолда AP кесма узунлиги DQ ва BP кесмалар узунликлари йиғиндисига тенглигини исботланг.

5. Барон Мюнхаузеннинг айтишича, у қандайдир тенг ёнли учбурчакни учта учбурчакка шундай ажратибдики, уларнинг ихтиёрий иккитасидан тенг ёнли учбурчак ҳосил қилиш мумкин экан. Унинг гапига ишонса бўладими?

10-СИНФ.
МАТЕМАТИКА

1. Тўғри чизиқнинг ўзаро перпендикуляр текисликлар билан ҳосил қилган бурчакларининг йиғиндиси 90^0 дан катта эмаслигини исботланг.

2. ABSD тўртбурчакнинг BD диагонали AC диагонални тенг иккига бўлади. Агар AB>BC бўлса, DC>AD эканлигини исботланг.

3. Агар барча x#o ларда $f(x)+2f(\frac{1}{x})=x$ тенглик бажарилса, f(x) функцияни топинг.

4. Агар $x^2+ax+27=0$ ва $x^2+x+a=0$ тенгламалар умумий илдизга эга бўлса, а ни топинг.

5. Қирраси 13 та тенг бўлган кубда 1998 та нуқта танланди. Бу кубга, ичида танланган нуқталарнинг бирортаси ҳам бўлмаган ва қирраси 1 га тенг бўлган кубни жойлаштириш мумкинми?

11-СИНФ.
МАТЕМАТИКА

1. Ҳисобланг:

а) /1-/2-/3-...-/1998/.../// ,

б) /1998-/1997-/1996-...-/1/ .../// .

2. Ҳамма рақамлари ўзаро тенг бўлган кўп хонали сон тўла квадрат бўла олмаслигини исботланг.

3. a, в, c сонлари қандай муносабатда бўлганда

$ax^4+bx^2+c=0$

тенглама

а) битта

б) иккита

в) учта

г) тўртта

илдизга эга бўлади?

4. EOF бурчакнинг OE томонида AB, OF томонида CD кесма олинган, бунда OC<OD, OA<OB. AC ва BD кесмаларнинг ўрталаридан ўтувчи тўғри чизиқ OE ва OF тўғри чизиқларни мос равишда M ва N нуқталарда кесади.

$\frac{OM}{ON}=\frac{AB}{CD}$ тенгликни исботланг.



5. A, B, C ва D сонлари шундайки,

$x^2+y^2=A$

$/x/+/y/=B$

система m та ечимга,

$x^2+y^2+z^2=C$

$/x/+/y/+/z/=D$

система n та ечимга эга. Агар m>n>1 бўлса, m ва n ни топинг.

11-СИНФ.
ФИЗИКА

1. Бир бўлак мис, симғалтак ип ёрдамида пўлат стерженнинг магнитланган ёки магнитланмаганлигини қандай аниқлаш мумкин?

2. Горизонталь текисликда жойлашган 2 та q_1 зарядли ва 2 та q_2 зарядли шарчалар бир-бири билан L узунликдаги иплар билан боғланган.

Ўртадаги ипнинг таранглигини аниқланг.



3. Массаси m бўлган, L узунликдаги стерженга, ердан h баландликда F куч таъсир этади. Олдинги оғининг ерга ишқаланиш коэффициенти M_1, орқа оғиники M_2 га тенг. Стержень текис ҳаракатда бўлиши учун F куч нимага тенг бўлиши керак?



4. Радиуси 3 см бўлган металл шар ярмигача керосинга ботирилган (ε=2). Агар шар 1800 В гача зарядланса, қанча заряд тўпланади?

5. Массаси 5 кг ва диаметри 1 м бўлган мис ҳалқа магнит меридиани текислигида жойлашган. Агар уни вертикал ўқ атрофида 90^0га бурсак, унда қанча заряд миқдори индукцияланади? Магнит майдонининг горизонтал ташкил этувчиси 1.10^{-4} Тл.

10-СИНФ.
ФИЗИКА

1. Радиуси R бўлган силлиқ ярим сфера ичига узунлиги 2 R бўлган силлиқ стержен қўйилган. Стерженнинг ярим сфера қирраси билан ташкил қилган бурчаги ∝ (альфа) нимага тенг?



2. R радиусли иккита ингичка ҳалқа умумий ўққа эга. Уларнинг марказлари орасидаги масофа d га тенг. Биринчи ҳалқада q_1, заряд, иккинчи ҳалқада q_2 заряд текис тақсимланган. q зарядни биринчи ҳалқанинг марказидан иккинчи ҳалқанинг марказига кўчиришда бажарилган ишни топинг.

3. Сувнинг солиштирма буғланиш иссиқлигини рўзғор совутгичи, ҳажми номаълум металл идиш, соат ва бир хил ёнувчи газ асбоби ёрдамида қандай аниқлаш мумкин? Сувнинг солиштирма иссиқлик сиғими маълум.

4. Иккита конденсатор кетма-кет уланиб (C_1=600 пф, C_2=1000 пф) 20 кВ кучланишгача зарядланди. Зарядланган конденсаторлар — параллел уланса қанча энергия ажралади?

5. Узунлиги 80 см бўлган цилиндрик идиш юпқа иссиқлик ўтказмайдиган поршень билан тенг иккига бўлинган. Ҳар икки томонда бир хил миқдорда 300 К ҳароратли ва 100 кПа босимли газ бор. Бир қисмидаги газни қанчага қиздирилганда поршень 2 см га силжийди?

9-СИНФ
ФИЗИКА

1. Зонтик кўтариб кетаётган одамнинг оёқларига ёмғир томчилари тушмаслиги учун қандай максимал тезликда ҳаракатланиши керак. Одам зонтикни 2 м баландликда тутганда, зонт қирраси 30 см олдинга чиқиб туради. Ёмғир томчилари вертикал ҳолда 8 м/с тезлик билан тушади.

2. Яхши беркитилмаган водопровод кранидан сув оқиб турибди. Фақат чизғич ёрдамида сувнинг оқиш тезлигини ва бирлик вақт ичида оқиб тушган сув миқдорини қандай аниқлаш мумкин.

3. Бир хил сатҳда турган 1- жисм эркин, 2- жисм бошланғич v тезлик билан бир вақтда пастга ташланди.

Агар жисмлар ерга бир вақтда урилган бўлса v тезликни топинг.



4. m массали жисмни қиялиги ∝ (альфа) бўлган қия текисликдан қўйиб юборилса, текис ҳаракат қилиб тушади. Бу жисм қиялиги ва баландлиги h бўлган қия текисликдан қанча вақтда тушади?

5. Девор икки қатламдан иборат. Биринчи қатламнинг иссиқлик ўтказиш коэффициенти k_1, иккинчи қатламники k_2 бўлса, деворнинг умумий иссиқлик ўтказувчанлигини аниқланг.

8-СИНФ
ФИЗИКА

1. Кема жанубга 54 км/соат тезлик билан сузмоқда. Кема палубасидаги кузатувчи денгизда катерни шимолий-шарқ йўналишида 36 км/соат тезлик билан ҳаракатланаётганини аниқлади. Катер тезлигининг йўналиши ва катталигини аниқланг.

2. Массалари бир хил m га тенг бўлган 2 та автомобиль Ерга нисбатан бир-бирига қараб v ва 2 v тезлик билан ҳаракатланяпти. Иккинчи автомобилнинг биринчи автомобилга боғланган системадаги кинетик энергиясини аниқланг.

3. Футбол коптоги ичидаги босимни сезгир тарози ва чизғич ёрдамида қандай аниқлаш мумкин.

4. Иккита бир хил массали қўрғошин шарлар бир-бирига қараб v ва 2 v тезлик билан ҳаракатланмоқда. Улар бир-бири билан ноэластик тўқнашгандан кейин ҳарорати қанчага ўзгаришини аниқланг.

5. Қувватлари 75 Вт ва 15 Вт бўлган иккита лампочка ва калит бор. Улардан қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи занжир тузинг: калит уланганда фақат 75 Втли лампочка ёнади. Калит узилганда фақат 15 Втли лампочка ёнади.

9-СИНФ ИҚТИСОД

1. Фирма бир ойда 15000 та пиёла ишлаб чиқариб, бундан 330000 сўм даромад қилди. Агар битта пиёланинг таннархи 22 сўмни ташкил қилган бўлса, бу фирма қанча зарар кўрган?

2. Талаб чизиғи функцияси Q=100-P/5, агар 0<P<100 ва Q=90-P/10, агар 100<P тенглик билан берилган. OPQ координаталар текислигида унинг графигини ясанг.

3. Айтайлик, дадангиз стол-стул тайёрлаш ва уларни сотиш билан шуғулланадиган корхона раҳбари. Бу корхона бир ойда 1800 та стол ва 7200 та стул ясайди ва сотади. Битта столнинг таннархи 500 сўм, стулнинг таннархи 200 сўм. Агар дадангизнинг фирмаси бир ойда 400000 сўм фойда кўрса, корхонанинг бир ойлик даромадини аниқланг.

4. Хоразмлик шоликор фермер ёллаган ишчилар 8 соатлик иш куни бўйича 15 кун ишлади ва 1500 сотих шоли экилган майдонни бегона ўтлардан тозалади, ўтади. Агар иш унумдорлиги 5 сотихга тенг бўлса, фермер ёллаган ишчилар нечта бўлган?

10-СИНФ ИҚТИСОД

1. Деҳқон бозорида сабзининг таклифи қуйидагича: нархи 1 кг сўмларда 5, 10, 40, 100; таклиф миқдори кунига тоннада 1, 2, 8, 20 ва талаб нархи 1 кг сўмларда 5, 10, 40, 50, 100 ва талаб миқдори кунига тоннада 76, 72, 48, 40, 0 бўлганда координаталар текислигидаги таклиф миқдори ва талаб миқдорини OQ ўқи, нархни OP ўқи бўйлаб жойлаштирилгандаги «талаб ва таклиф чизиғи» графигини ясанг. Уларнинг кесишиш нуқтаси координаталарини топинг.

2. Барча тадбиркорларнинг даромадини кескин ўсиши нафақахўрларнинг нафақасини миқдорига қандай таъсир қилади?

3. Фирма бир йилда 1000000 сўм миқдорда чиқим қилди. Агар фирманинг рентабеллиги 1/2 га тенг бўлса, унинг бир йиллик даромадининг миқдорини топинг.

4. «Ширинтой» фирмаси бир йилда 20 т конфет ишлаб чиқарди. Унинг ҳар бир килограмини 150 сўмдан сотди. 1 кг аонфетнинг таннархи 130 сўм бўлса, «Ширинтой» фирмаси бир йилда қанча фойда кўради? 1 кг конфетни 120 сўмдан сотганда қанча зарар кўрган бўлади?

11-СИНФ ИҚТИСОД

1. Банклардаги заҳира нормасининг ошиши қандай оқибатларга олиб келади?

2. Банкдан йилига 20% остида кредит олиб пахта етиштириш билан шуғулланувчи фермер банкдан олинган кредитни проценти билан қайтара олиши учун фермер хўжаликнинг рентабеллиги қандай бўлиши керак?

3. Таклиф чизиғи функцияси Q=1/2P тенглик ва Q=2/5P+10 тенглик билан берилган. OPQ координаталар текислигида уларнинг графигини ясанг.

4. Ошхонада ҳар куни 500 киши овқатланади. Бир кишилик овқатнинг нархи 40 сўм. Демак, ошхона бир кунда 20000 сўм, бир ойда 25 кун ишлайди деб олсак, 500000 сўм даромад қилади. Хўш, бу пуллар қандай тақсимланади? Даромад солиғи, ижара ҳақи, электр энергия ва газ, ошхона жиҳозлари, (яъни амортизация) олинадиган масаллиқлар, ойлик маош, қолган харажатлар ва фойдани ҳисоблаб кўринг.

1998 yil — Oila yili

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Хабарингиз бўлса, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги шу йилнинг бошида мамлакатимизнинг педагогика билим юртларида «Оила» мавзуида республика иншо танловини эълон қилганди («Маърифат» 4.02 1998 й. № 9). Унинг асосий мақсади 1998 йилнинг юртимизда «Оила йили» деб эълон қилинишига биноан ёшларни умумбашарий ва миллий қадриятлар руҳида, жамият, давлат ва оила олдидаги масъулиятини ошириш ва жавобгарлигини чуқур ҳис этадиган қилиб тарбиялаш, уларни катта ҳаётга тайёрлашни яхшилашдан иборат эди. Яқинда вазирликда ушбу танловнинг якунлари чиқарилди. Шу хусусда ХТВ Педагогик таълим ва фан Бош бошқармаси бошлиғи Мухтор Яҳёев шундай деди:

— Республикамиз педагогика институтлари ҳамда билим юртлари талабалари ўртасида «Оила» умумий мавзуида ўтказилган энг яхши иншолар республика танловининг 1-босқичи жойларда март ойигача ўтказилди. Ана шу босқичда педагогика институтларида 1—3-ўринни эгаллаган талабаларнинг ҳамда педагогика билим юртларида 1, 2- ўринни эгаллаган ўқувчиларнинг иншолари мазкур танловнинг 2-босқичида қатнашиб, қуйидагича якунланди:

Педагогика институтлари бўйича фахрли 1-ўринни Навоий давлат педагогика институти тарих, ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 5-курс талабаси Наргиза Қулдошева, II ўринни Жиззах давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 5-курс талабаси Санобар Ҳамидова ва III ўринни Нукус давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 5-курс талабаси Гулойим Бегжоновалар эгалладилар. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети бошланғич таълим услубиёти факультетининг 5-курс талабаси Зебо Матёқубова, Қўқон давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 2-курс талабаси Юлдуз Дўсматова ва Тошкент вилоят давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультетининг 1-курс талабаси Гулмира Нуровалар эса рағбатлантирувчи ўринларга сазовор бўлдилар.

Педагогика билим юртлари бўйича I ўринга Косонсой ПБЮ 2-курс талабаси Зилола Маматқулова, II ўринга 1-Тошкент ПБЮ 2-курс талабаси Дилдора Суюнова, III ўринга Жиззах ПБЮ 4-курс талабаси Назокат Искандароваларнинг ҳамда рағбатлантирувчи ўринларга Бекобод ПБЮ 2-курс талабаси Ҳамрохон Йўлдошева ва Ангрен ПБЮ 4-курс талабаси Феруза Муллабековаларнинг иншолари муносиб деб топилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу танловнинг ғолиблари моддий рағбатлантирилади. Жумладан, педагогика институтлари ва билим юртлари бўйича I ўринга 5000 сўм, II ўринга 3000 сўм, III ўринга 2000 сўм ва рағбатлантирувчи ўринларнинг ҳар бирига 1000 сўмдан мукофот белгиланган.

Нурлан УСМОНОВ

Insho

ВАТАН ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Хонани чақалоқ «инга»си тутди. Инсон туғилди. Доя чақалоқни бағрига босди. Она севиб-суюб унга кўкрак тутди. Оға пешонасидан ўпди. Момо дуога қўл очди. Жажжи болачалар укачанинг кимга ўхшашлигини чуғурлашиб муҳокама қилдилар. Соқолига оқ ранг кирк бағишлаган, невара кўрган бобо эса ҳаммасини жимгина назаридан ўтказди-ю, чақалоққа ном танлади.

Ҳа, оилада фарзанд туғилди. Билмадим, у ўзи билан нима олиб келди. Қувонч билан ташвишними, бахт билан орзу-армонними?

Чақалоқни яхши ният билан бешикка солдилар. Она алла айтди. У юрак-юракдан куйлади, у жўшиб-жўшиб куйлади. У йиглаб-йиглаб куйлади. Она эртани эмас, бугунни куйлади. У бугунни эмас, кечани куйлади. Чақалоқ эса беланчакка эмас, беланчакда битилган битикларга термулди. У кўзини юмди. Йўқ, у ухламади, балки кўзини юмиб узоқ хаёлларга толди.

...Бу беланчакда Яссавий ухлаганмикин, шу беланчакда ётиб Амир Темур жангу жадаллар харитасини тузганмикин? Навоий жимгина туриб туғилажак «Хамса»сига мос кишилар танлаганмикин? Бобур Мирзо эса умрининг сўнггигача ўз беланчаги қолган юртни қўмсаб утишини билиб маҳзун тушлар кўрганмикин?

Болажон, сен ким бўласан? Уқигин, болам, уқи! Бу битиклардан сен одамийликни, покизаликни уқиб ол. Бу битиклар сени ҳалоллик чўққиларига етаклайди. Тинглагин болам, онанг айтган алла сени юксакларга кўтарсин. Куйла, онажон! Боланг ОДАМ бўлсин. Аллаларинг ортидан сенга раҳмат ёғилсин, дуо айтилсин. Сен тебратган беланчакнинг майин товуши Қодирийга тинчлик, Усмонга Чўлпонларга осудалик бахш этиб-этолмаган дунёлар тинчини бузсин. Куйла, онажон, зора сенинг алланг тобутда кетолмаган, бир парча кафанга етолмаган фарзандларинг дардига малҳам бўлолса...

Ҳа, ҳаёт шундай экан, катта-кичик одамлар, узун-қисқа йўлаклар, паст-баланд кўчалар, умуман ҳаёт деб аталмиш китобда ҳар нарса мужассам экан.

Йўқ, мен бу кун жаҳолатга таърифу, жасоратга тавсиф бермоқчи эмасман. Хаёлимни олманг, мен алла тинглаяпман. Қулоқ беринг, қандай ёқимли қўшиқ. Сиз тушуняпсизми, бу оҳангни? Бу садо — меҳрнинг садоси. Бу наво — муҳаббат навоси, бу наво — Ватан туйғуси бўлади.

Йиллар ўтар, беланчак ёғочлари бўшаб, ғичирлаб қолар, беланчак тебратган қўллар ҳассага етар, беланчак боласи осмонга парвоз этар, лекин бу оҳанг ўзгарармикин. Ватан, севги, садоқат, меҳр тушунчалари, кўлами кенгайса кенгаядики, асло тораймайди. Шунинг учун, оналар куйланг, сиз ҳаётни куйлайсиз, сиз бахтни, сиз Ватанни куйлайсиз.

Уйга толаман... Мени олисларга етаклаган ҳам, қайта ўзига чорлаган ҳам она алласи эмасмикин? Бола қулоғимга Ватан мадҳи, бола қалбимга Ватан туйғусини солган нарса шу алла эмасмикин? Одамзотга Ватан туйғуси беланчакдан эл бўлмаганмикин?! Ватан остонадан бошланади, дейишади. Менимча, Ватан оиладан, тўғрироғи, беланчакдан бошланади. Ахир, беланчакдаги гўдак кичик бўлса-да, унга барчанинг, яъни ота-онанинг, қариндош-уруғнинг, қўни-қўшнининг назари тушади-ку. Демакки, бешикда ётган кичик жусса бугун чақалоқ бўлса, эртага мамлакатнинг комил инсонидир.

Ёш ниҳолни қай томонга эгсангиз, ўша томонга эгилаверади, кези келганда танаси шу тахлит эгилиб қолади. Инсон боласи ҳам ёш ниҳол сингаридир. Агар оилада икки тафсилот бўлса, бу бола ҳаётида, албатта, ўз аксини топади. Гулзор кўрки — атиргул, оила кўрки — фарзанд бўлса, фарзанд кўрки унинг одоб тарбиясидир. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқ жоиздир. Қарияларимиз бекорга «отангга раҳмат» ёки «сени тарбия қилган барака топсин» дея дуо қилишмайди, яъни агар фарзанд дуога лойиқ бўлса, билинг-ким, у шундай оилада тарбия топгандир.

Коинот гултожи инсондир азал,
Ундадир энг олий тафаккур, амал.
Ҳатто, у тубанлик ичра ҳам танҳо.
Ё фалак, ижодинг мунча мукаммал —
деган шоир қанчалик ҳақ эди.

Наргиза ҚЎЛДОШЕВА,
Навоий давлат педагогика институти 5-курс талабаси

ФАОЛ ЎҚУВЧИ — МУСТАҚИЛ ШАХС

(Боши 1-бетда)

Дарс учун жиҳозларни топшириқ олган ўқувчилар ва мактабда мавжуд бўлган анжомлар асосида мактаб лаборанти тайёрлайди. Аввалдан тузилган режа асосида топшириқ олган ўқувчилар кичик маъруза билан чиқиш қиладилар ва ҳар бир чиқишдан сўнг савол-жавоб тартибида баҳо беради. Бунда саволларга нафақат маърузачи, агар у билмай қолса ёки маърузада асосий жиҳатлардан бирини айтмаса, синфдаги истаган ўқувчи уни тўлдириши, фикр билдириши мумкин.

Ўқитувчи дарсни бошлайди. У дарснинг ташкилий қисмини ўтказади ва дарс тартибини яна бир марта тушунтириб беради. Кейин эса дарсни ўқувчилар давом эттирадилар.

Биринчи маърузачи ўқувчи тебранишлар ҳақида, тебранаётган жисмларга таъсир этувчи кучлар ва тебраниш системалари ҳақида гапиради. Силжиш, гармоник тебранишлар, амплитуда ва тебраниш даврларига таъриф беради. Тебранишларда координата, тезлик ва тезланишларнинг ўзгаришини тавсифлайди. Ўқувчилар билан савол-жавобларда иштирок этади.

Иккинчи маърузачи ўқувчи пружинали ва математик маятникларда энергия алмашинувини тушунтиради. Тўлиқ механикавий энергиянинг сақланиш қонунини изоҳлайди. Тебранишлар даври формулаларини келтириб чиқаради ва уларнинг татбиқига доир маълумотлар беради. Курск магнит аномалияси ва П. П. Лазарев ишлари ҳақида фикрларини айтади. Ўқувчилар саволларига жавоб беради. Унинг маърузасини ўқувчилар таҳлил қиладилар ва тўлдирадилар.

Учинчи маърузачи ўқувчи боб материалларига доир кўргазмалар ясаб келганини намойиш қилади. Мажбурий тебранишлар ва резонанс ҳақида сўзлайди. Ўқувчилар баҳсига сабаб бўлувчи ҳодисалардан айтади. Жумладан, 1750 йилда Франциянинг Анжер шаҳрида кўприк резонанс туфайли қулаганлигини айтади. Кўприкнинг қулашига сабаб, ҳарбийларнинг бир хилда қадам ташлаши оқибатида резонанс вужудга келган ва бу ҳодиса натижасида 487 киши ҳалок бўлганлигини тушунтиради.

Тўртинчи маърузачи ўқувчи тўлқинлар, тўлқин узунлиги ва тўлқин тезликлари ҳақида гапиради. Камертон ёрдамида товуш ҳосил қилишни намойиш этади. Товуш тезлиги, резонанси ва товуш ҳосил қилувчи асбоблар, шунингдек, шовқинлар ҳақида ҳам тушунтиради. Товуш тони, баландлиги ва қаттиқлигини айтиб ўтади. Ўқувчилар саволларига жавоб беради.

Бешинчи маърузачи ўқувчи ультратовуш ва инфратовуш ҳақида маълумотлар бериб ўтади. Инсон қулоғи қабул қиладиган товуш частотаси чегараларини айтади. Эхолотларга доир маълумотлар беради. Товуш тезлигини ўлчашга доир амалий масалани намойиш қилиб, доскада ечиб кўрсатади. Ўқувчилар билан савол-жавобда иштирок этади. Бутун дарс давомида ўқувчиларнинг иштирокини ўқитувчи кузатиб ва назорат қилиб туради. Ўқувчиларнинг савол-жавоблардаги иштирокини ўзининг дафтарида қайд қилиб боради. Саволларга берилган жавобларнинг тўғрисини аниқлаб кўрсатади. Савол-жавоб баҳсида иштирок этган ўқувчиларнинг саволлар тузишдаги савияси ҳам рағбатлантирилади.

Дарсга ўқитувчи хулоса ясайди. У ўқувчи маърузачилардан муваффақиятли чиқиш қилганларини алоҳида таъкидлайди. Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигида дарсда иштирок этганларнинг, яъни маърузачи ўқувчилар ва савол-жавоб баҳсларида балл тўплаган ўқувчиларнинг барчасига билими учун баҳо қўйилиб, эълон қилинади. Сўнгра ўқувчилар маърузалари ва тайёрлаб келган материалларини лаборантга топширадилар.

Шундай қилиб, дарс аввалида қўйилган муаммоларнинг ўқувчилар томонидан ҳал этилиши, уларнинг физика фанига қизиқиши ортишини кўрсатади. Бу эса, ўқитувчи ва ўқувчи шахсининг ҳамкорлигида, ўқувчи тарбиясига ва касб танлашига бўлган мойиллигининг ижобий томон силжишига имкон яратади, ўқувчиларнинг ижодий ишлаши, эркин фикрлаши, ўз иқтидорини намойиш қила олиши ва ўз устида мустақил ишлаши, унинг камолоти учун ишонч туйғусини ривожлантиради.

Исомиддин АЛЛАБЕРДИЕВ,
олий тоифали физика фани ўқитувчиси,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

ТАКОМИЛЛИК САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

(Боши 1-бетда)

тириш юзасидан қилинаётган амалий ишлар хусусида Бухоро ВПХМОИ ректори Йўлдош АСАДОВдан фикр сўрадик:

— Бу конференцияда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да белгиланган бевосита малака ошириш тизимига тааллуқли бўлган мақсад ва вазифаларни фаолиятга татбиқ этиш механизми ёки технологиясини ишлаб чиқиш, шу асосда тайёргарлик босқичида (1997—2001 йиллар) ҳаракат йўналишларини белгилаш мақсад қилиб қўйилган. Бухорода ўтган II конференция ислоҳий тадбирларни умумлаштириш, илмий-услубий жиҳатдан асослаш, истиқболни прогнозлаш режаларига зарур қўшимчалар киритишга хизмат қилди, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, бу анжуман малака ошириш тизими мазмунини босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг мониторинги десак, хато бўлмайди. Фикримча, тизимнинг шу кунги долзарб муаммоси барча бўғинларнинг фаолиятини битта мақсадга йўналтириш ёки узлуксизлигини таъминлаш ҳисобланади. Яъни мактаб услуб бирлашмалари, ижодкор педагог уюшмалари туман, шаҳар ХТБлари услубхоналари билан ВПХМОИлари, Марказий малака ошириш институти ва республика Таълим маркази фаолияти бир-бири билан боғлиқ ҳолда таълим-тарбия жараёни эҳтиёжини қонидиришга йўналтирилади. Дарҳақиқат, Президентимиз айтганидек, жамиятнинг юзи ҳисобланган ўқитувчининг тайёргарлик даражаси миллий Дастур, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш даражасига кўтарилиши керак. Бунинг учун ўқитувчида доимий ошириш, малака ва қўникмани шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади.

Биз курс тингловчиларининг реферат ёзиб келишларидан аллақачон воз кечганмиз. Аксинча педагог ўзининг шахсий ижодий режаси бажарилиши ҳақида ижодий ҳисобот билан келади. Ўқиш даврини эса ижодий курс иши мавзуини ўзи танлаб, изланишини давом эттиради. Яна шуни таъкидлаш керакки, ўқитувчи беш йилда бир марта малакасини оширар экан, шу йиллар давомида фан ва мутахассислигига дахлдор янгиликлардан бехабар қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида институтимизда тажрибали, синалган ва самара бераётган қисқа муддатли, муаммоли, мақсадли интеграл (мужассамлаштирилган) муаллифлик ва шунга ўхшаш курслар ўқитувчиларнинг назарий услубий тайёргарликларини ошириш учун хизмат қилмоқда.

Албатта, услубий хизматнинг самараси унинг қай йўсинда илмий жиҳатдан асосланганлигига боғлиқ. Институтимизда охирги уч-тўрт йил давомида таълим муассасаларида психологик хизматни йўлга қўйиш, педагогик технология ва унинг элементлари ҳисобланган таълим прогнозтикаси, моделлаштириш, назоратнинг кўп балли рейтинг механизмини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда 150 дан зиёд таълим муассасаларимизда амалиётчи психологлар хизмат қилаяпти. Институтимиз томонидан ишлаб чиқилган рейтинг тизими 100 дан ортиқ мактабларда жорий этилган. Шу йўналишларда 15 та тажриба-синов майдончаларимиз фаолият кўрсатмоқда.

* * *

Республика анжуманининг биринчи иш куни бевосита назарий тарзда ўтказилган бўлса, иккинчи иш куни жойларнинг ўзида бу борада олиб борилаётган амалий ишларга, суҳбат ва учрашувларга бой бўлди. Анжуман ўзининг иккинчи иш кунини вилоятда халқ таълимининг турли йўналишларда юқори натижаларга эришаётган Шофиркон ва Ғиждувон туманларида давом эттирди.

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР ДАВРАСИДА

Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд ва у зоти шарифнинг оналари зиёратида бўлган анжуман қатнашчиларининг бир гуруҳи Бухорои шарифнинг қадимий маърифат масканларидан бири саналмиш Шофиркон сари йўл олишди. Бу сафардан муддао ушбу туманда халқ таълими ходимларининг малака ошириш билан боғлиқ муаммолар ва уларга ўқитувчиларнинг муносабати, ижодкор муаллимлар амалий ишлари, бир сўз билан айтганда, ўқитувчи ходимлар юрагидаги қувончу ташвишлар билан ўртоқлашиш эди.

Меҳмонлар учрашувни тумандаги Иброҳим Муминов номли 38-ўрта умумтаълим мактабидаги ўқитувчиларнинг малака ошириш, ўз устида ишлаш тажрибалари билан танишишдан бошладилар. Мактабининг химия фани ўқитувчиси Санъат Комилованинг курсдан курсгача бўлган даврдаги узлуксиз малака ошириш бўйича ижодий ишлари, А.Авлоний номли ХТХМОМИда малака ошириб қайтган мактаб директори Акбар Элмуродовнинг раҳбар сифатидаги малака ошириш тажрибаси билан яқиндан танишиб чиқдилар. Сўнгра конференция қатнашчилари билан мактаб ўқитувчиларининг ўзаро давра суҳбати бўлди. Суҳбатлар чоғида меҳмонлардан Урганч давлат университети доценти Матчон Тоҳиров, Андижон ВПХМОИ чет тиллар кафедраси мудири Маъруф Низомиддинов, А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ кафедра мудири Саидқосим Усмонов, яна шу институт проректори Карим Давлатов ва бошқалар мактаб ўқитувчиларига ўзларининг фойдали тавсияларини бердилар.

Худди ана шундай амалий мулоқотлар тумандаги Султон Жўра номли 25-ўрта мактабда, туман болалар ва ўсмирлар марказида ҳам бўлиб ўтди. Меҳмонларда С.Жўра номидаги мактаб ўқитувчиси Ш.Тўраеванинг республика ХТХМОМИ тавсиялари асосида хорижий тилларни ўқитиш тажрибаси илиқ таассурот қолдирди. Меҳмонлар билан мактаб ўқитувчиларининг ва Марказ ходимларининг амалий мулоқотларидан шу нарса аён бўлдики, бундан кейин ўқитувчи ўзининг малака ошириш навбатини кутиб турмасдан, доимо ўз устида ишламоғи, бевосита мактаб метод бирлашмаси, туман метод кабинети, ВПХМОМИ ва республика ХТХМОМИлари билан ҳамкорликда ижодий изланишларини мунтазам равишда давом эттиришлари лозим. Шундагина малака оширишдан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

ҒИЖДУВОН ТАЖРИБАСИ

II Республика илмий-амалий конференцияси қатнашчилари кўҳна ва навқирон Ғиждувон туманига ташриф буюришганида сахий қуёшнинг заррин нурлари Улуғбек мадрасаси пештоқидаги нақшинкор лавҳаларда акс-ланиб турарди. Аввалига меҳмонлар 3-иқтидорли болалар махсус интернат мактабида, сўнг эса 7-, 47-, 49-, 1-, 2-ўрта мактабларда бўлишиб, бу ердаги амалий ишлар билан танишишди. 3-мактаб интернатдаги методбирлашмалар ўрнига ташкил этилган ИЖОДИЙ ГУРУҲЛАРНИНГ ишлари кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этди. 2-мактаб ўқитувчилари эса методбирлашмаларни сақлаган ҳолда ижодий гуруҳ ташкил этишган. Анжуман иштирокчиларида туман халқ таълими бўлими метод кабинетида (мудири Э.Шарипов) амалга ошираётган ишлар айниқса катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда таълим-тарбия ишини янги босқичга олиб чиқиш, жамланган тажрибаларни таҳлил этиш, қиёсий ўрганиш, тушуниб етиш ва улардан ижодий фойдаланиш, мустақил ўқиш асосида мустақил фикрлашга эришиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Туманда ижодкор ўқитувчилар ишларини синаб кўриш мақсадида 34 та тажриба майдончаси ташкил этилган. 1997— 1998 ўқув йилининг ўзида 750 нафар ўқитувчи туманда ташкил этилган қисқа курсларда лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганган. Ўтган йили 509 нафар ўқитувчи ва тарбиячи қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиган бўлса, жорий йилнинг тўрт ойи давомида 175 нафар педагог ходим марказий ва вилоят малака ошириш институтларида ўқиб қайтишган. Тумандаги ижодкор ўқитувчилар ишларини мактаб, туман ва вилоят миқёсида оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Муҳим жиҳати шундаки, туман халқ таълими бўлими метод кабинетида педагог ходимлар билан курсдан курсгача бўлган даврда бошқа жойда кузатилмайдиган, янгича режа асосида иш олиб борилаяпти. Йигирмата шартни ўз ичига оладиган ушбу режа ўқитувчи фаолиятини ҳар томонлама қамраб олади ва уни ўз устида мунтазам ишлашга ундайди.

«Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизими ва технологиясини такомиллаштириш муаммолари»га бағишланган II Республика илмий-амалий конференцияси малака ошириш тизимини янада такомиллаштириш, унинг мазмунини янгилаш ва чуқурлаштириш мақсадида Ғиждувон тумани педагогларининг мустақил ижодий фаолиятини ташкил этиш бўйича қўллаётган иш тажрибасини республика миқёсида оммалаштиришга қарор қилди.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, малака ошириш тизими ва технологиясини янги босқичга кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган анжуман ҳар томонлама самарали ўтди. «Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизими ва технологиясини такомиллаштириш муаммолари» мавзуидаги II Республика илмий-амалий конференцияси ўз иши юзасидан тавсиянома ишлаб чиқди.

Мазкур тавсияномадан ХТХМОМИ ва барча вилоятлар малака ошириш институтларидаги диагностик таҳлил ишларини тубдан яхшилаш, тараққий этган мамлакатларнинг илмий-педагогик ютуқлари, илғор методик тажрибалари асосида малака оширишнинг ўқув дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш, нашр этиш, бозор муносабатлари асосида барча ВПХМОИларида ички имкониятлар ҳисобига ўз-ўзини маблағ билан таъминлашни йўлга қўйиш, хўжалик ҳисобидан топилган маблағдан педагог ходимларни моддий рағбатлантириш каби қатор фойдали бандлар ўрин олган. Шунингдек, бу ҳужжатда педагог ва тарбиячилар аксариятининг билим савияси пастлиги жиддий муаммо сифатида талқин этилиб, ХТХМОМИда таълим менежментлари ва ўқитувчилик касбига қайта тайёрлаш замон талабларидан бири эканлиги тўғрисида ҳам сўз боради.

Тавсияномада булардан ташқари малака ошириш институтлариаро ишларни мувофиқлаштирувчи педагогика кафедраси барпо этиш, малака ошириш назарияси ва амалиёти муаммолари лабораториясини тузиш, туман (шаҳар) методика хоналари учун Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш борасидаги масалалар ҳам атрофлича таҳлил этилади.

Юқорида зикр этилган муаммоларни миллий Дастурда белгиланган муддатга мувофиқ равишда А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ бўлимлари, кафедралари, вилоят ва шаҳар малака ошириш институтлари ҳамжиҳатлик билан биргаликда амалга ошириши лозимлиги ҳам керакли ҳужжатларда қайд этилди.

Ҳ. САИДОВ,
Н. ОЧИЛОВ

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Тожикистон маъмуриятининг айтишича, мамлакатнинг жанубий-шарқий минтақаларида рўй бераётган тошқинлар ва ўпирилишлар натижасида 19 киши ҳалок бўлди. Тожикистон бош вазири ўринбосари Исмат Эшмирзаевнинг айтишича, ўпирилишлар натижасида қарийб 400 киши бошпанасиз қолди.

Дастлабки маълумотларга кўра, ушбу зарар 65 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

* * *

Покистонда бўлиб ўтаётган Афғонистон бўйича тинчлик музокараларида қатнашаётган дипломатларнинг айтишича, ушбу музокараларда энг асосий масалалар бўйича силжишлар бор.

Лондон, «ВСС» ўзбек хизмати

* * *

Руссиянинг собиқ генерали ва миллий хавфсизлик бошлиғи Александр Лебед Сибир вилоятининг губернаторлик бирлашувида кўпчилик овозини қозониши билан президентликка даъвосини кучайтирмоқда. Жаноб Лебед якшанба куни Красноярскда ўтказилган губернаторлик сайловида берилган овозларнинг 45 фоизини қўлга киргизди.

* * *

Ироқ ҳукумати ўзининг таъбирича, таъминот берилишини кечиктириш учун Америка Қўшма Штатлари ва Британия ифлос ўйин ўйнаганликлари сабабли келаси ой 22 миллион аҳолиси учун озиқ-овқат талонини камайтиражагини айтган.

Вашингтон, «Америка овози» ўзбек эшиттириши

СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР...

(Боши 1-бетда)

зи бошқа қардошларимиз тилларида жуда кам қўлланиши ҳам бу калимани истифода этишда ғалат ҳолат мавжудлигидан далолат беради. Бокудан келган бир профессорга маърузаси учун «раҳмат» айтилганида, у кишининг «мен ҳали тирикман-ку, нега раҳмат дейсизлар», дея ранжигани ёдимизда.

Ким билади дейсиз, балки бу сўз асли миннатдорчилик белгиси сифатида айтилган «Отангга раҳмат!» дуосининг қисқариб истеъмолга кириб қолган шаклидир?

Биз кўп нарсани, жумладан, тўғри сўзлашни ҳам аввало отабоболаримиздан ўрганишимиз керак. Улар бировнинг яхши ишидан хурсанд бўлса, «умрингдан барака топ», «кам бўлма», «отангга раҳмат», «ишларинг илгари бўлсин», «кўп яша», «баракалла», деб алқайдилар. Тенгқурроқ одам бўлса: «қуллуқ сизга», «омон бўлинг», «борингизга шукур», «ўлманг», «кўп миннатдор қилдингиз», «жуда рози бўлдим», «дунё турғунча туринг», «кам бўлманг», «мендан қайтмаса худодан қайтсин», каби ҳароратли, оҳори тўкилмайдиган миннатдорчилик ифодаларидан вазиятга энг мувофиғини топиб, изҳор қиладилар. Аммо асло «катта раҳмат» демайдилар!

Бугунги мезонлардан қарасак, «катта раҳмат» дейиш ушбу тилак-олқишлар олдида нурсиз, сўниқ кўринади. Ваҳоланки, «раҳмат» сўзи аслида уларнинг энг улуғи, энг муътабари эди. Бизлар уни дуч келган жойда қуллайвериб, сийқалаштириб, қадрини тушириб юбордик.

Энди иборанинг «катта» қисмига келсак, бу ғирт ўрисча ибора, яъни, «большое спасибо» — «катта раҳмат» дея сўзма-сўз ағдарилган-қўйилган. Аслида, «раҳмат»нинг каттаси (ёки кичиги) бўлмайди. Зотан, раҳматнинг бўйи, эни, ҳажми йўқ. Шуни назарда тутсак, бу иборани яхшиси қўлламаган маъқул. «Он передал вам большой привет»ни «У сизга катта салом айтиб юборди», дея олмаймизку! Балки, «у сизга кўпдан кўп салом йўллади», деймиз. Демак, раҳмат ҳам «катта раҳмат» эмас, «кўп раҳмат» тарзида бўлиши мумкин. Шарққа хос удумимиз шундай.

Ким кимга ташаккур айтишини ҳам билмоғи жоиз. Ижтимоий тарбияда бунинг ўрни катта. Шу ўринда бир воқеани баён этишни лозим кўрдик.

Ота уч-тўрт ёшлардаги кенжа ўғлига магазиндан ботинка олиб келган экан. Бола хурсанд бўлиб кийиб кўрди, лойиқ келди, яраштди. Ғудакнинг яйраганини кўрсангиз. Аммо шу пайтда боланинг ака ва опалари хабажараётган кишининг ҳар бир хатти-ҳаракатига миннатдорчилик билдириш керак?

«ИНСОН»МИ ЁКИ «ОДАМ»? Тилда «экспрессия-импрессия қонунияти», деган ҳодиса бор. Унга кўра, агар услубий бўёғи қуюқ сўз ва ифода шаклларини ишлатсангиз, дастлаб нутқингиз хийла таъсирли чиқади, бора-бора ана шу сўзларингизнинг эмоционал таъсир кучи камайиб, энг ўткир, энг таъсирли сўзлар ҳам оддий, жўн калималарга айлана бошлайди.

Масалан, ёш ёзувчиларимиздан бири, оригиналликка интилиб, «кутилмаганда», «тусатдан», «туйқусдан», «ногаҳонда» деган маънодаги сўзлар ичидан энг «даҳшатлиси»ни ишлатади — қаердаки шу маъно келса, «баногоҳ» деб ёзади. Анчайин ҳолатларда ҳам «баногоҳ» келавергач, англайсизки, бу шу ёзувчининг «услуб белгиси» экан. Шундан кейин ҳатто ўз ўрнида келган «баногоҳ» ҳам пинагингизни бузмай қўяди. У жўнгина бир сўзга айланади. Оталаримиз бежиз айтмаган-да, сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор, деб.

Сўзларнинг кенг омма орасида қўлланиши борасида бир-икки мулоҳаза. Кўпчилик ичида сўз қўлланишини кузатиш учун тўй-маъракаларга бир разм солайлик. Аксар ҳолларда тўйга отарчилар билан бирга келадиган, хушбичим, чаққон, хушмуомала «раис»ларнинг гапини эшитиб, «пул ўлсин-а, одамни не қуйларга солмайди», деб юборасиз. Бундай ўспирин «раис»лар аввал сўзни қироат билан «бисмилло»дан бошлаб, дуоғўйликка ўтади, эвини қилса ўзи ё бўлмаса бирон ёши улуғроқ тўйбошининг қўлини кўтартириб, фотиҳа ҳам қилдириб юборади. Бундайларнинг оғзидан сўз қайнар булоқдай тошиб-тўкилади. Табиийки, «раис»лар даврани гуллатиш, тўйни тўйдай қилиш учун байти ғазаллар ўқиб, қизиқчилик қилади, жиддий гапирган ноғида эса энг таъсирли гапларни гапириб, баъзиларни ҳатто йиғлатиб юбориш даражасигача боради. Бунинг учун, боягидай, услубий бўёғи кучли сўзларни пайдар-пай қўллашга ружу қўяди.

Масалан, «ушбу шукуҳли, фараҳбахш, серфайз бахт оқшоми даврасида энг олижаноб, энг табаррук инсонлар ўтиришибди», сингари жарангдор, аммо маънидан ҳоли, таги пуч гаплар фақат бир мақсадда — одамларнинг кайфини хушлаш, дилини чоғлаб, чўнтагини қоқлашни кўзлаб айтилади. Эътибор берган бўлсангиз, яқин йиллар ичида энг кўп қўлланаётган ва тобора сийқаланиб бораётган сўз — «инсон» калимаси бўлиб қолди. Чунончи, «тўй даврасида табаррук, улуғ инсонлар ўтиришибди», деган гапни эшитиб атрофга алангласангиз, курасизки «табаррук инсон» деганининг кўпчилиги қип-қизил маст, тили гапга келмай ғулдираб қолган эшматвойлар бўлиб чиқади.

Бирнинг касри — минта, мингники — туманга, деганларидай, ҳозир ҳатто айрим радиоинтервьюларда: «Фабрикамизда қирқ уч нафар инсонлар меҳнат қилишади», дея гап бошлайдиган муҳандислар, «эрта тонгда инсонларни манзилига етказиб, олқиш олаяпман», дейдиган трамвайчилар пайдо бўлаяпти. Ахир, шунинг ўрнига «киши» ёки «одам» сўзи қўлланса — олам гулистон. «Машинада тўрт одам бор эди», «уч киши бир бўлиб аравани тортиб чиқардик» каби жумлаларда «одам» ва «киши» сўзлари ўрнига «инсон» сўзини қўллашингиз биланоқ нутқингиз сунъийлашиб, таъсирини, жозибасини йўқотади. Зеро, «инсон» сўзи тантанавор, умумлаштирувчи ижтимоий-фалсафий услубга мос. «Инсон тақдири», «Ҳазрати инсон» сингари ифодалар борки, уларда «инсон» сўзини «одам» ёки «киши» дейиш ўринсиз. Дарҳақиқат, «Инсон» — мавқеи баланд сўз.

Миллатимиз қуёши, Низомиддин Алишер Навоий айтибдиларки:

Сўз гуҳариға эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Яъни, сўз деб аталган гавҳарнинг баҳоси шунчалар қимматки, унинг олдида гавҳардай қиймат-баҳо тошнинг бир садафчалик қадри йўқ....

Гавҳарни тошга урмайлик, азизлар.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

ШУКРОНАЛИК

Элимизга таъзим туйғуси бугун менинг қўйларимга қалам тутқазди. Гап шундаки, бизнинг меҳрталаб мўъжаз оиламиз доимо меҳр оғушида, мурувват оғушида. Худога шукр, қайнотам, Жовунбой Бадиров ва қайнонам ҳамда меҳрли-оқибатли оиламизнинг барча аъзолари, мактабимиз жамоаси ва ҳатто мен учун ардоқли ўқувчиларимнинг ҳар бири бизнинг кўнглимизга ҳамиша қарашади, улуғ айёмларда, байрам тантаналарида ёхуд бирон совға, ёхуд илиқ ва самимий дил изҳорлари билан бизни хурсанд этишади. Минг афсус ва минг истиҳола билан шуни айтишим керакки, азиз ва мунис болажонларимнинг отажониси — Абдураим Бадиров ҳаётдан жуда эрта, айни навқирон ёшида кўз юмиб, бизни айрилиқ доғида қолдириб кетди. Марҳум умр йўлдошимнинг асли касби шифокор, эл саломатлиги йўлида қайғурувчи, ўзининг оқ халатига сира доғ индирмаган, тўғриси, беҳаловат инсон эди. Тақдир экан, дориломон бу кунларни кўриш у кишига насиб этмади. Бандасига қайғу — ғам-қадар берган қодир Оллоҳ... таскин ҳам ато этар экан. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, ҳаётимиздан нолимаймиз, рўзғор ўтиб турибди, энг асосийси, фарзандларимга ҳам Ота, ҳам Она бўлиб — уларни мўмин-қобиллик руҳида баҳоли қудрат тарбиялаяпман. Ўтган 1997 ўқув йилида қизалоғим Раънохон Жовунбоева мен ўзим болажонларга таълим бераётган мактабнинг 1-синфига ўқишга борди. Баҳолари яхши. Ўша БИРИНЧИ СЕНТЯБРЬ — МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ арафасида қизимнинг мактабга илк қадам қўйган кундаги қувончини кўриб, кўзларимда маржон-маржон ёш...

Ҳа, шукроналикда ҳикмат кўп. Ҳаётимизнинг ҳар бир кунига, улуғ ва қутлуғ айёмларга — НАВРЎЗга, унинг беназир анъаналарига қанча-қанча шукроналиклар айтсак оз.

Анора БАДИРОВА,
Қўшработ туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси

ОЙИЖОН, МЕН МАКТАБГА БОРАМАН!

(Боши 1-бетда)

бошқармаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга ошириш бўйича «Болаларни мактабга тайёрлаш» мавзусида икки кунлик республика анжуманини ўтказди. Амалий анжуманнинг асосий мақсади болалар боғчасига қатнамайдиган кичкинтойларни мактабга тайёрлашни ташкил этиш масаласи эди.

Семинарда Тошкент шаҳар ХТББ бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова, республика вилоятлари ХТБ бошлиқларининг муовинлари ва мактабгача тарбия бўлими кабинет мудирлари, ВЎМОИ мактабгача тарбия бўлимлари бошлиқлари, мактабгача ва бошланғич таълим муассасалари ҳамда марказлари раҳбарлари, Тошкент шаҳар ХТББ ва ШУМОИ ҳамда туман халқ таълими бўлимларининг мутасадди ходимлари иштирок этдилар.

Анжуман Чилонзор туманидаги 291-болалар боғчасида бошланди.

Унда 204-, 212-, 444-, 265, 561-болалар боғчалари қошида ташкил этилган якшанбалик мактаблари иш тажрибаларидан намуналар намойиш қилинди. Болаларга ўқиш ва санашни ўргатиш, экологик тарбия, илк иқтисодий таълим, тасвирий фаолият ҳамда теварак-атроф билан таништириш бўйича ўтказилган ноанъанавий машғулотларда мантиқий фикрлаш, эътибор билан кузатиш қобилиятларини ҳамда ижодий тасаввурларини ривожлантириш, нутқни ўстириш ва ҳамият берилди. Кенгаш қатнашчилари, шунингдек пойтахтдаги «Камолот» мактабгача ва бошланғич таълим марказида, 71-болалар боғчаси қошидаги мактабгача таълим муассасаларига тортилмаган болалар ва уларнинг ота-оналари учун ташкил этилган «Саводхонлик маркази»да, 43-мактаб қошидаги «Илк ривожлантириш» марказида бўлишиб, уларнинг иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда ўқув қўникмаларни ривожлантиришнинг мазмуни, шакл ва услублари ҳақидаги (531-боғча) ота-оналар учун уюштирилган машғулотни ҳам кузатдилар.

Болаларни мактабга тайёрлашда боғча, оила, мактаб, маҳалла ва аёллар қўмиталарининг ғамкорликдаги ишлари билан танишиш мақсадида Шайҳонтоҳур туманидаги «Ипакчи» маҳалласида, Тошкент вилояти Тошкент туманидаги хонадонда (қишлоқ шароитида) болаларни мактабга тайёрлаш ҳамда Ҳасанбой ғузар маҳалла қўмитаси қошидаги ота-оналар учун ташкил этилган «Ота-оналар ўқув маркази» фаолияти билан танишилди.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири муовини Адилбой Еримбетов, Қашқадарё ВХТБ мактабгача тарбия бўлими бош мутахассиси Дилбар Муродова, Қўқондаги 22-янги турдаги боғча-мактаб мажмуаси директори Мамлакат Содиқова, «Бошланғич таълим» журнали муҳаррири Зуҳра Шокирова, Самарқанд ВЎМОИ мактабгача тарбия бўлими мудири Марзия Абдуллаева ва бошқалар сўзга чиқишиб, якшанбалик мактаблари ҳақидаги таассуротлари ҳамда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Амалий анжуман муҳокамасида халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев иштирок этди ва сўзга чиқди.

— Ҳурматли ҳамкасблар, — деди Жўра Йўлдошев, — «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да болаларни мактабга тайёрлаш узлуксиз таълимнинг илк—асосий босқичи сифатида акс этган. Республикамиздаги 80 фоиз бола боғчага бормайди. Икки-уч йилдан кейин бола мактабга тайёр ҳолда бориши керак. Акс ҳолда ақлли болалар орасига тушиб қолгудек бўлса, у руҳан эзилади. Анжумандан шундай хулоса чиқариш лозим: аввал замин — адабиётлар тўплами, сўнгра шахс тайёр бўлиши ва ниҳоят, тарқатма материал керак. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Болаларни мактабга тайёрлашга бағишланган амалий кенгаш унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

СУРАТЛАРДА: республика амалий анжуманидан лавҳалар (1-бет).

В.ГРАНКИН олган суратлар

ЯХШИЛАР ЁДИ

Авлодлар номларини ҳурмат билан тилга оладиган инсонлар умрлари давомида нималардир яратиб кетади. Бири одамлар оғирини енгил қиладиган кашфиёт, яна бири шу одамлар бахраманд бўлсин учун маънавий булоқ, учинчиси боғ ва ҳоказолар.

Моҳир педагог, Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Оқилхон Шарафиддинов ҳам шундай яратувчи инсон эди.

Устоз ёзган «Алифбо» китобининг 29 марта қайта нашр этилиши, бу йил республикамиз бўйича нишонланаётган устоз таваллудининг 100 йиллик тантаналарининг ҳар бирида О.Шарафиддинов мактабига қилинаётган мурожаатлар ҳам бунга ёрқин мисол.

Республика Таълим марказида шу санага бағишлаб Халқ таълими вазирлиги ва Республика Таълим маркази томонидан ўтказилган илмий-амалий анжуманда ҳам О.Шарафиддинов педагогик фаолиятининг янги қирралари очиб берилди.

Анжуманда сўзга чиққан Узбекистон халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев: «О. Шарафиддинов ўзининг инсонийлиги, муомаласи, камтаринлиги билан шогирдларга шахсий намуна эди. Шахсий намуна эса таълим беришда энг зарур билимдир. У киши толмас изланувчан мураббий ҳам бўлганки, бу хислатлари ҳозирги ёш педагоглар учун ибрат мактабидир», — дея таъкидлаб ўтди.

О.Шарафиддинов шогирдларидан академик С.Зиёдуллаев, профессор Қ.Абдуллаевалар устозларининг шогирдларига бўлган муносабатидаги одамийлиги, жонкуярлигини самимият билан эслашди.

Анжуманда Тошкент шаҳридан бир гуруҳ фидокор бошланғич синф ўқитувчиларига янги таъсис этилган «Оқилхон Шарафиддинов» кўкрак нишони топширилди. Уни Тошкент шаҳар ХТББ бошлиғи Ҳ.Йўлдошев топширди.

Бу нишоннинг таъсис этилиши ҳам касбга бўлган садоқатга қўрсатилган ҳурмат намунаси бўлганлиги боис унга сазовор бўлганларни касбига икки ҳисса масъулият билан ёндашишларини тақозо этиши айтилди.

Хуллас, анжуманда О.Шарафидинов мактабининг, у киши етиштирган шогирдларининг таълимимиз равнақида ҳали кўп хизмат қилиши ҳамда асқотиши эътироф этилди.

Рустам БОЙМАТОВ

Oqilxon Sharafiddinovning 100 yilligiga

ЭЪЗОЗ

Халқ ўзининг фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Гарчи замонлар ўтса-да, бу инсонлар ҳақидаги хотира ва улар амалга оширган эзгу ишлар қалбларнинг тўрида сақланади. Мана шундай эл суйган ва халқнинг эъзозида бўлган зотлардан бири республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, устоз Оқилхон Шарафиддиновдир. Зеро, бу ардоқли инсон таваллудининг 100 йиллиги республикамизда катта тантанага айланиб кеттанлиги ҳам бежиз эмас. Тантана пойтахтимиздан тортиб вилоятларгача, деярли барча таълим муассаларида кенг нишонланмоқда.

Яқинда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида ушбу санага бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам катта шодиёнага айланиб кетди. Анжуманда устоз ҳақида хотиралар, Оқилхон Шарафиддиновнинг ҳаёти ва педагогик фаолиятининг асосий хусусиятлари, педагогик меросининг тарихий-тарбиявий аҳамияти ва бошқа мавзуларда сўз юритилди. Бу борада А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ ректори А. Акмалов, педагогика фанлари доктори Қ. Абдуллаева, педагогика фанлари номзоди М. Ғуломов, Тошкент шаҳридаги О. Шарафиддинов номидаги 129-мактаб директори С. Абдуллаев, Оқилхон Шарафиддинов билан мактабда бирга ишлаган шогирди, педагогика фанлари номзоди Ж. Набихоновлар сўз олдилар. Анжуман сўнггидаги бадиий чиқишлар ҳам қатнашчиларга манзур бўлди.

Шарофат ҲАКИМОВА

«АЛИФБЕ» ИЖОДКОРИГА БАҒИШЛАБ...

Наманган вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида ҳам бошланғич таълим ва куни узайтирилган гуруҳ бўлими, институт кутубхонаси билан ҳамкорликда машҳур педагог, бошланғич синф ўқитувчиларининг сардори Оқилхон Шарафиддинов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган анжуман ўтказдилар.

Анжуманда институт ректори, профессор А.Мунавваров, НДД бошланғич таълим кафедраси мудири, профессор М.Юсупов, «Олтин мерос» ҳалқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимидан шоиралар О.Бекмирзаева, Т.Раҳимовалар қатнашдилар.

Институт тингловчилари ўзларининг қўшиқ ва рақслари билан йиғилганларни ҳушнуд этдилар. Айниқса, чортоқлик Н.Хайитова, учқўрғонлик А.Тошбоева, наманганлик З.Оҳунова, Н. Исобековалар, чустлик Х.Мирвалиева каби ўқитувчи ва тарбиячиларнинг чиқишлари катта таасурот қолдирди.

Пўлат ҲАМДАМ

Sport maydonchasi

ЗЎРДАН ЗЎР КЎП ЭКАН

Футбол бўйича мамлакат чемпионатида кетма-кет ғалабаларни қўлга киритиб келаётган Наманганнинг «Навбаҳор» командаси еттинчи турда Жиззахда мағлубиятга учради. Маҳаллий «Суғдиёна» пешқадамнинг дарвозасига учта тўп киритиб, ўз дарвозасидан бир гол ўтказди — 3:1.

ФУТБОЛ БРАЗИЛИЯДА ЗЎРМИ, ЖИЗЗАХДА?

Жиззахда зўр-да, албатта. Исботи шуки, «Пахтакор»ни жадвалнинг биринчи поғонасига олиб чиқолмаётган да Силва (Бразилия) «Суғдиёна»нинг ғалабаси туфайли пешқадам бўлиб олди. Унинг раҳбарлигида «Пахтакор» «Металлург»ни 3:0 га ютгани билан жиззахликларнинг ёрдамисиз биринчи поғонага чиқолмас эди.

ДАВЛАТОБОДДА 12 ДАВЛАТ

Наманганнинг Давлатобод туманидаги Дўстлик кортида теннис бўйича «Буюк Ипак йўли» мусобақаси давом этмоқда. Унда Австрия, Германия, Исроил, Россия, Болгария сингари 12 мамлакатнинг теннисчилари ўз маҳоратларини ишга солмоқдалар.

ДЗЮДОЧИ МИЛИЦИЯДАН ҚЎРҚАДИМИ?

Европа чемпионатида иккинчи ўринни олган австриялик Томас Шлейхерни қамаб қўйдилар. Сабаби, у наркотика билан шуғулланган.

— Мен, — деди Томас милиционерларга, — қамоқда зўр яшайман!

Аммо барибир қамоқ қамоқ-да. Томас ўн йилдан бери дзюдо билан шуғулланаётган бўлса, у ерда 10-15 йилдан бери ётганлар бор, ахир!

БИЗНИКИЛАР ЮТҚАЗИШДИ

Яқинда мамлакатимиз футбол терма командаси Озарбайжон йигитлари билан куч синашиб кўрди. Ҳисоб 2:1. Майдон эгалари жаҳон чемпионатига чиқолмаган бўлсалар-да, ўзбекистонликларни ютдилар. Аммо бизникилар ҳам ёмон ўйнашмади. Ҳимояда маҳкам туришди.

Xullas...

ҚИРОЛИЧАНИНГ МУШУКЛАРГА ИЛТИФОТИ

Мушук зоти инсоният билан ҳамиша бирга бўлган. Чунки кемирувчилар, яъни сичқонлар бўлган жойда унинг хизмати беқиёс.

Қиролича Елизавета Петровна замонида ҳам сичқонлар улкан саройнинг у ёқ бу ёғига югуриб юрар экан. Мушукларнинг «емиши»ни гумдон қилиш учун қиролича 1745 йилнинг 13 октябрида Қозон губернаторига шундай буйруқ қилган: «Тезлик билан сичқонларни бир ҳамлада ямлайдиган 30 та мушукни топиб, Санкт-Петербургга жўнатинг!» Воқеанинг давоми қандай кечган, бизга қоронғу, лекин Екатерина II Эрмитажда мушуклар учун жаннатмакон боғ барпо қилганлиги факт.

НИЯТИ АМАЛГА ОШМАДИ

Бир қарашда аёл кишининг нимага қодир эканлигини билиб бўлмас экан.

Дюссельдорф вокзалида юрган бақувват йигит рўпарасидан чиқиб қолган хонимни, тўғриғоғи, унинг қимматбаҳо сумкасини мўлжалга олди. Ким билсин, барзанги кетворган хонимнинг сумкасида пачка-пачка пуллар бор деб ўйладимикан?

Аммо киссавурга бошдан-оёқ шу қадар қаттиқ зарба тушдики, шўрлик ўзини ўнглолмай гуппа қулади...

Бу аёл ким экан денг? У 24 ёшдаги келиб чиқиши болгар миллатига мансуб бўлган Дейзи Ланг бўлиб чиқди. Кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионига зиён етказмоқчи бўлган даюсга энди икки йилдан кам бўлмаган қамоқ жазоси белгиланиши аниқ.

Дарвоқе, Дейзи Ланг Болгариянинг собиқ президенти Желю Желевнинг рафиқасининг шахсий қўриқчиси ҳам бўлган.

ana shunaqa gaplar

ШЎХ БОЛАМАН

Ҳабибулла Раҳимов мусиқаси
Султон Жаббор шеъри



Шўх боламан, шўх боламан,
Ғам-ташвиши йўқ боламан.
Кимдир кулиб шайтон, дейди,
Ҳали ёш-да, нодон, дейди.

Кимдир, бу ким эркаси, дер,
Наҳот шу юрт эртаси, дер.
Шундай дамда қотар бошим,
Гоҳ оқади кўздан ёшим.

Хафалигим бормас кўпга,
Ирғишлайман яна кўкка.
Нетай, ахир, шўх боламан,
Ғам-ташвиши йўқ боламан.

Yaxshilar oramizda

САОДАТ ТОПМОҚ УЧУН

Устоз, тарбиячи меҳнати нақадар сермашаққат ва худди шу даражада эҳтиромга лойиқдир. Зеро, «Устоз отангдан улуғ», деб бежиз айтишмайди. Чунки бир мурғак жонни жамиятнинг тулақонли ва билимли аъзоси қилиб етиштириш учун тарбиячи ва ўқитувчилар озмунча дил қурини сарфлайдиларми? Илм олиш — игна билан қудуқ қазиш билан баробар, деганлар. Илм ўргатиш эса бундан ҳам қийин ва машаққатли, ҳам солиҳ ишга бахшида этган устоз Малик Абдусаматов ҳам сўзсиз ана шундай сиймолардан.

Сирасини айтганда, Малик Абдусаматов деганда, биринчи навбатда, 1971 йилда нашр этилган 30 босма табоқдан иборат «Форс тили» дарслиги эсга тушади. Чиндан ҳам «Форс тили» дарслиги ўзининг пухта ишланган педагогик ва методик асоси, грамматик материалнинг ўзлаштиришига қулай тарзда баён қилингани, мантиқий кетма-кетлиги, қолаверса, ўзбек тилида нашр этилган биринчи жиддий китоб бўлганлиги билан М. Абдусаматовга ҳақиқий шуҳрат келтирди.

Дарсликнинг кенг оммалашиб кетганлиги, фақат Ўзбекистонда эмас, балки қўшни республикалар, ҳатто Татаристондаги қадимий илм даргоҳи — Қозон университетида ҳам асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинганлиги, ниҳоят, эҳтиёж кўп бўлгани туфайли, 1997 йилда, қайта нашр қилингани сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Малик ака форс тили бўйича яна бир қатор қўлланма, дарслик ва илмий мақолалар нашр эттирди. Улар орасида 1980 йилда чоп этилиб, кейинчалик яна икки бор қайта нашр этилган «Форсча-ўзбекча сўзлашув» китоби, ўрта мактабларнинг 2-синфи учун чоп этилган «Форс тили» дарслиги, эроншунос талабаларга мўлжаллаган «Эрон адабиёти хрестоматияси» қўлланмаси, тест саволлари тўплами, ўқув дастурлари ва бошқалар бор. Уларнинг барчаси Ватанимизда форс тили таълимини яна ҳам чуқурлаштириш ишига хизмат қилиб келмоқда.

Устознинг илмий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотган охирги йирик тадқиқотларидан бири 1996 йилда нашрдан чиққан 30 босма табоқдан иборат «Ўзбекистон шарқшуносларининг» китобидир. Бу асарда Ўзбекистонда шарқшунослик соҳасида таълим олган ва ҳозирги кунда илмий, дипломатик ва жамоатчилик фаолияти билан танилган фан ва давлат арбоблари ҳақида маълумотлар берилган. Китоб, бир томондан, библиографик маълумотнома сифатида илмий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, жуда катта тарбиявий аҳамиятга моликдир, чунки бу китоб орқали ёш авлод катта шарқшунос олим ва жамоат арбобларининг ибратли ҳаёт йўли билан ҳам танишади.

Малик ака 70 йиллик умр йўлини босиб, табаррук ёшга етиб, шу кунгача 7 та китоб ва шарқшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишланган 30 дан ортиқ илмий мақола нашр этиб, илм-фанга ўз ҳиссаларини қўшиб қўйган бўлсалар ҳам, бугунги кунда худди ёшларга хос ғайрат ва самара билан меҳнат қилишда давом этмоқдалар. Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўзлари бош бўлиб ташкил этган педагогика ва тил ўқитиш методикаси кафедрасини бошқариш билан бирга, домла шарқшунослик таълими бўйича республикада биринчи методик марказ ташкил этиб, уни нодир материаллар билан жиҳозладилар.

— Қиладиган ишлар, амалга оширадиган режалар жуда кўп, — дейдилар домла. — «Форс тили» дарслигини қайта ишлаб, янги нашрини тайёрлаш керак, мактаблар учун 3, 4-синфлар дарслиги ишларини тугатиш, унинг устига, бу йил май ойида республикада Шарқ тилларини ўқитиш муаммолари бўйича семинар-кенгаш ўтказиш учун ҳозирлик кўришимиз керак.

Бир донишманд кимда-ким ўз охиратини обод қилмоқчи бўлса, у ибодат қилсин; кимда-ким бу дунё неъматларига эришиб, бадавлат ҳаёт кечирмоқчи бўлса, у савдо-сотиқ билан шуғулласин; кимда-ким икки дунё саодатини ҳосил қилмоқчи бўлса, ундай одам илм билан шуғулласин деган экан. Бутун умрини илм ўрганиб, шу илмларни бошқаларга ўргатишга бағишлаган домламиз Малик ака Абдусаматовга ҳам икки дунё саодати насиб этса, ажаб эмас.

Раҳмон ИНОМХЎЖАЕВ,
ТошДШИ шарқ филологияси факультети декани, доцент

Quvnoq startlar

ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА

Мактаб ўқувчиларининг XV республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақалари ярим финал учрашуви бўлиб ўтди. Пойтахтимизнинг Марказий ҳарбий-спорт клуби залига тўпланган ишқибозлар Беруний шаҳридаги 4-ўрта мактабнинг «Турон» ва Ургут туманидаги 65-мактабнинг «Орзу» командалари ўртасидаги кескин курашнинг гувоҳи бўлишди.

Ярим финалгача бўлган дастлабки икки учрашувда ҳам рақибларини катта фарқ билан мағлуб этган «Турон» командаси финалга йўлланма берувчи масъулиятли учрашувга пухта ҳозирлик кўрганлигини намойиш этди. Дастурнинг биринчи ва иккинчи эстафета мусобақаларида чаққон ва дадил ҳаракат қилган қорақалпоғистонлик ўқувчилар 20 очкони қўлга киритишди. Учинчи — «Акробатлар эстафетаси» мусобақасида 8 очко олишди. «Тўсиқларни енгиб ўт» деб номланган мусобақада саватга тўп ташлашда ҳам аниқлик ва маҳоратларини кўрсатиб, яна 10 очко олишди.

«Орзу» командаси аъзолари ҳам ғалаба иштиёқида ҳаракат қилишганини инкор этиб бўлмайди. Лекин шошқалоқлик, кетма-кет хатоларга йўл қўйиш уларнинг ҳаракатларини йўққа чиқарди. Улар битта ўйинда ғалаба қозониб (иккита жиддий хатолари учун 4 очко олиб ташланди), 6 очко олишди. Шунингдек, иккита дуранг натижага эришишди.

Хуллас, қизиқарли ўтган телемусобақада «Турон» командаси 62:16 ҳисобида «Орзу» командасини мағлуб этиб, чемпионлик учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Финал учрашувида қорақалпоғистонлик ўқувчилар сирдарёлик дўстлари билан беллашишади.

Ғ.МАННОПОВ

Ko'ngil bitiklari

* * *

Сарбон етовида нажотсиз қолган,
Армонга йўғрилиб ўтар кунларим.
Борлиғим соғинчга айланиб толган,
Соғинч зулфларини тарар тунларим.

Қалбимни эзади соҳир нигоҳлар,
Умрим қатларида ғамгин сувратинг.
Наҳот сабуҳларни қучоқлар оҳлар,
Наҳот нигоҳимда тонглар қувради?!

Соғинч саҳросида яралган бардош,
Сабрнинг ташналаб тиллари ботиқ.
Юраги лағча чўғ, биргина сирдош —
Соғинчдан излайман мен дўсти-содиқ.

* * *

Бугун ҳузурингга бир боргим келди,
Анвойи чечаклар сочилган йўлдан.
Соғинчнинг чоғири лиммо-лим тўлди
Ҳаё, ибо унган кўнгилда,
Меҳрли нигоҳингга бир тўйгим келди.
«Кутармикан унда мен каби титраб,
узун йўлга интиқ бир соғинган дил».
Ўйлайман, андиша тўрида сидраб,
Ўйлайман, хавотир домида буткул —
сирли боқишингга бир тўйгим келди.
Маҳлиё айлагай қушлар нағмаси,
Олам чиройига интизор жонни,
Дарахтларнинг шивирли саси
сирларга тўлдирган сирли дунёни —
сенинг борлигинг-ла бир суйгим келди.
Бугун ҳузурингга бир боргим келди,
бир боргим келди.

Инобат ҚЎЧҚОРОВА

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта маъсулиятлар юклади. Юқоридагиларни ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси 1998 йилнинг май ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди:

1. Мактабгача тарбия муассаса мудиралари — 4-30 май.

2. Мактабгача тарбия муассаса услубчилари — 4-30 май.

3. Мактабгача тарбия муассаса логопедлари (қисқа муддатли курс) — 4-16 май.

4. Туман, шаҳар ХТБ назоратчи методистлари — (мақсадли курс) — 18-22 май.

Тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар.

Санаторий-профилакторийга курс тингловчилари 1 — 2 май кунлари курорт карталари билан қабул қилинадилар. Йўл харажатлари (мақсадли курсдан ташқари) курс ҳисобидан тўланади. Болалик тингловчилар учун курс қошида «болалар хонаси» мавжуд.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси-6

Телефонлар: 46-98-04, 46-90-94

Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта маъсулиятларни юклади. Юқоридагиларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1998 йилнинг май ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Бу курсларда Ўзбекистон Республикаси давлат идоралари ва республика халқ таълими вазирлигининг маъсул ходимлари, чет эллик мутахассислар ҳамда таниқли олимлар, тажрибали педагоглар маърузалар ўқийдилар. Курс давомидаги амалий машғулотлар пойтахтдаги янги тур мактаблар, РТМ, халқ таълими музейи ва бошқа илғор таълим муассасаларида бевосита мулоқот шаклида ўтказилади.

Тоифалар	ўқиш тили	курс санаси	курс муддати
1. Вилоят халқ таълими бошқармаси назоратчилари учун «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун бўйича курс	ўзб.	18—30	12
2. Ёш техниклар ижодий маркази бўлим мудирлари	ўзб.	4—30	24
3. Туман (шаҳар) ХТБ ўзбек тили ва адабиёти методистлари.	ўзб.	4—30	24
4. Кар болалар мактаби ўқитувчиларини лотин ёзуви ва дактилемасига ўргатиш.	ўзб.	18—30	12
5. Информацион технологияларни қўллаб дарс ўтиш: математика ўқитувчилари.	ўзб.	4—16	12
6. Янги дастур ва дарслик асосида бошланғич синф ўқитувчилари.	ўзб.	4—16	12
7. Қозоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг бошланғич синф ўзбек тили ўқитувчиларини лотин ёзувига ўргатиш курси, (маърузачилар)	ўзб.	18—30	12
8. «Иқтисодий билим асослари» бўйича курс.	ўзб.	4—16	12
9. ЧЕТ раҳбарлари.	ўзб.	4—30	24
10. Мактаб амалиётчи психологлар курси.	ўзб.	4—16	12
11. Янги тур мактабларнинг биология фани методбирлашма раҳбарлари.	ўзб.	4—30	24
12. Кимё фанини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.	ўзб.	18—30	12
13. Янги тур мактабларнинг география фани ўқитувчилари.	ўзб.	4—30	24
14. Тарихдан ўқувчилар билимларини баҳолашда тест-рейтинг усулидан фойдаланиш.	ўзб.	4—16	12
15. «Иқтисодий билим асослари» фани ўқитувчилари курси.	ўзб.	18—30	12
16. Ўзбек мактабларида рус тилини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш.	рус	18—30	12
17. Умумтаълим мактабларининг расм-чизмачилик ўқитувчилари.	ўзб.	4—16	12
18. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари.	ўзб.	4—30	24
19. Футбол мактабларнинг тренерлари учун курс.	ўзб.	4—16	12
20. Жисмоний тарбия дарсларини миллийлаштириш.	ўзб.	18—30	12

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона ва 100 ўринли санаторий-профилакторий хизматда бўлади. Санаторий-профилакторийда 24 кунлик курс тингловчилари 4—5 май кунлари курорт карталари билан қабул қилинадилар. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи ва бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Манзилимиз: Тошкент — 95. Талабалар шаҳарчаси.
Саидов кўчаси, 6 — уй.
Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 32-мактаб томонидан 1994 йилда Ўташева Ноила Шодмоновна номига берилган № 453628 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* * *

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 9-мактаб томонидан 1986 йилда Михайлова Ирина Анатольевна номига берилган № 821309 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* * *

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 33-мактаб томонидан Ибодуллаев Сайдулла Ниматуллаевич номига берилган А № 451243 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ва туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси туман ХТБга қарашли 230-мактаб директори Д. Эрматовага ва шу мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари М. Обидовага волидаи муҳтарамалари

Раҳима ая ЭРМАТОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Д. Нурмуҳамедов номидаги 272-мактаб педагогик жамоаси шу мактабнинг математика ўқитувчиси Ҳаким ТОШХЎЖАЕВ вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ректорати ва касаба уюшма қўмитаси шу институт кечки бўлим декани Эргаш Носировга онаси Маъсуда ая ЗУПАРОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кучаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.

Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Рустам БОЙМАТОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-011140. Тиражи 59313. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6